

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Камолиддин Асомиддиневич ЖАҲОНГИРОВ

стажёр ўқитувчи

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада туризм соҳасини ташкил қилишда транспорт хизматларининг ўрни, уларнинг таснифланиши ҳақида сўз юритилади. Туризмда транспорт таъминотининг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари билан боғлиқ қарорлар кўриб чиқилади. Хулоса ўрнида мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича таклифлар берилади.

Таянч сўзлар: трансфер, чартер, транзит, дирижабль, ҳаво шари, параплан, дельтаплан, туристик салоҳият, глобал туризм, круиз, мотель, комфорт, мобиль транспорт, “Rent-Car”.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ТРАНСПОРТНЫХ УСЛУГ В СФЕРЕ ТУРИЗМА

Камолиддин Асомиддиневич ЖАҲОНГИРОВ

преподаватель-стажер

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается роль транспортных услуг и их классификация в организации туристической отрасли. Приведены специфические особенности транспорта в туризме. Также были рассмотрены решения, связанные с мерами по развитию транспортной инфраструктуры в нашей стране. В заключении есть предложения по совершенствованию транспортной системы в нашей стране.

Ключевые слова: трансфер, чартер, транзит, дирижабль, воздушный шар, параплан, дельтаплан, туристический потенциал, глобальный туризм, круиз, мотель, комфорт, мобильный транспорт, “Rent-Car”.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ўрни ва роли ғоят сезиларли бўлиб, бунда туризмнинг аҳамияти бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларига қараганда юксалмоқда. Сўнгги 6-7 йил давомида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилиб, туризм салоҳиятидан самарали фойдаланилмоқда. Туризмнинг оммавий уюшган ҳолдаги шакли кенгайиб, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифати ва уларга

хизмат кўрсатувчи туристик корхоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. сайёҳларни маршрутларда ташиш, трансфер хизматлари кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Йўловчилар, шу жумладан, сайёҳларни ташиш темир йўл, ҳаво, сув транспорти ва бошқа маҳаллий транспорт воситалари ёрдамида амалга оширилади. Уларни ташиш учун транспорт турларининг оммавийлиги ёки талаб этилиши даражаси мамлакатнинг жўғрофий ўрни ва иқлим шароитларига, иқтисодий ривожланиш даражаси, миллий анъаналари, одамларнинг ижтимоий ҳолати ва турмуш даражасига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ. Ҳар бир транспорт турининг ўз устун жиҳатлари ва камчиликлари бўлиб, улар тарихий ривожланиш, техник, иқтисодий ва экологик кўрсаткичлар билан белгиланади. Шу сабабли хорижий сайёҳларни ташишда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси шароитида автомобиль транспорти, темир йўл транспорти ва энг асосийси, ҳаво (авиация) транспорти хизмати кўрсатиш соҳаларини ўрганиш, уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

Сайёҳларга транспорт хизмати кўрсатиш туризм индустриясининг энг асосий қисмларидан ҳисобланади. XX аср бошларига келиб, ички ҳамда халқаро туризмда хизмат кўрсатувчи автомобиль, дарё, денгиз, темир йўл ва авиация транспортини ўз ичига олувчи ягона транспорт тизими шаклланган. Шунингдек, бу даврга келиб, барча туристик хизматлар тизимидаги транспорт хизматининг ҳиссаси 40 фоиздан ортиқни ташкил қилган [8].

Туристлик маҳсулотлар таркибида сайёҳларни ташиш хизмати етакчи ўринлардан бирини эгаллаши билан бирга, барча туристик йўналишларда (пиёдалардан ташқари) саёҳатчиларни дам олиш ёки экскурсияга чиқариш ва уйига қайтиши учун транспорт хизматларининг мавжудлиги табиий ҳол бўлиб қолмоқда.

Туризм соҳасида транспорт таъминоти қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

– асосий туристик хизматларга тур-сафарлар қўшилиб, сайёҳларни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш ва қайта олиб келиш мумкин;

– тур-сафар бўйича дастурлаштирилган тадбирларга хизмат кўрсатиш: экскурсион хизмат, дастурдаги тадбирларга бориш, атрофга ташриф буюриш, йўналиш бўйича кўчиш;

– турга киритилган саёҳат давомида ижарага бериладиган енгил автомашина [6].

Ташиш тизими сайёҳларни бир жойдан бошқа жойга пиёда ўтказишни истисно қилганда, техник тараққиёт даражаси билан белгиланади. Сайёҳларни ташиш воситаларини қуйидагича тизимли таснифлаш мумкин: *ташишининг ер устида олиб юриш бўйича транспорт турлари; ҳаво орқали ташиш бўйича транспорт воситалари; денгиз ва дарё орқали ташиш бўйича транспорт воситалари.*

Туризм фаолият тури сифатида сайёҳларни доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши билан узвий боғланган ва уни транспорт таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳозирги даврда автобус, ҳаво йўли ва темир йўл воситаси орқали амалга ошириладиган саёҳатлар кенг тарқалган. Туристик транспорт саёҳатлари бир неча транспорт турлари орқали, яъни, темир йўлдан автобус (енгил автомобиль); ҳаво йўлидан автобус ва шу кабиларда амалга оширилади. Мобиль транспорт тури сифатида автобус ва енгил автомобилдан мустақил йўналишлардаги каби туристларни аэропортдан (вокзалдан) меҳмонхонагача ёки аксинча, олиб бориб қўйишда кенг фойдаланилади. Ҳар қандай сайёҳ ўз саёҳатини режалаштираётганда манзилга олиб бориш (ётказиш) тезлиги, саёҳат қулайлиги (комфорти), қиймати, юқларини олиб бориш (уларнинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда) имконияти, тўхташ жойлари, овқатланиш шароитлари, шовқин даражаси, вибрация, дам олиш ва (тунаш) ухлаш жараёнлари, экологик ва албатта хавфсизлик каби омилларни ҳисобга олади.

Бугунги кунда халқаро туризмда мамлакатлараро саёҳатларни ташкил қилишда транспортнинг барча турлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда эса,

доимий халқаро йўналишларда ҳаракатланиш давлатлараро икки томонлама келишув асосида амалга оширилади, учинчи давлат орқали транзит эса транспорт бўйича Европа Иқтисодий Комиссия қўмитаси рухсати билан амалга оширилади. 1973 йил 1 мартда Женева Конвенцияси доирасида “Йўловчи ва юкларни автомобилда олиб ўтиш шартномаси тўғрисидаги конвенция” қабул қилинган [5].

Халқаро туризм соҳасида ҳозир энг оммабоп ва қулай транспорт воситаларидан бири бу ҳаво транспорти ҳисобланади. Ҳаво транспортида саёҳат ҳам чартер, ҳам рейсли самолётлар воситасида амалга оширилади. Ҳозирги вақтда ҳаво транспортида ташиш хизматларини кўрсатишда беш юздан ортиқ авиакомпаниялар фаолият олиб бормоқда. Туризм ривожланган давлатларда туристик мақсадларда вертолётлардан ва бошқа ҳаво транспорти воситалари: дирижабль, ҳаво шарлари, парапланлар, дельтапланлар ва шу кабилардан фойдаланилади.

Туризм соҳасида сув транспорти воситаларининг сув ости ва сув усти транспортларидан ҳам кенг фойдаланилади. Туризмда сув транспорти воситалари таъминоти билан боғлиқ масалалар, асосан денгиз ва дарёда туристик мақсадларда доимий ва доимий бўлмаган ҳолларда йўловчи ташиш ҳолатларида амалга оширилади. Сув транспорти орқали амалга ошириладиган туризмнинг энг кенг тарқалган турларидан бири – бу круизлар.

Ҳозирги кунда туристларга круизларда саёҳатлар таклиф қилаётган фирмалар сони кўпайиб бормоқда. “АПСАРА” шундай фирмалардан бири ҳисобланади. Ушбу француз фирмаси Антарктида ва Арктикадаги музликларга саёҳатларни ташкил қилади. Антарктидага биринчи круиз 1989 йилда ташкил этилган. Сайёҳлар мазкур экзотик жойларда нафақат яшаб кўрадилар, балки у ерда маҳаллий аҳоли, тюленлар, моржлар ва пингвинлар ҳаётини кузатиш имкониятига эга бўладилар [7].

Сайёҳлар орасида круизларга бўлган талабнинг ортиб бориши кемалар сони ва ҳажмининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса атроф-муҳитнинг

тобора кўпроқ ифлосланишини келтириб чиқармоқда. Круизларда бир кунда ўртача 5-6 минг литр ёқилғи ёқилади. Масалан, ҳозирги кунда дунёда энг катта двигателга эга “Эмма Маерск” номли контейнер кемаси кунига 6291 литр ёқилғи ёқади [10]. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра битта круиз ҳавога бир неча миллион автомобилдан кўра кўпроқ олтингутурт чиқаради ҳамда атроф-муҳитни кўпроқ захарлайди.

Қуруқликда ҳаракатланиш воситаларидан эса туристлар кўпроқ автомобиль ва темир йўл транспортидан фойдаланишни маъқул кўришади. Шу билан бирга, ушбу транспорт воситалари бошқа транспорт турларига нисбатан анча кам харажат ҳамда атроф-муҳитга нисбатан кам захар чиқариши билан ажралиб туради.

Туризмда автомобиль транспортидан кўп ва кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Чунки у сайёҳларни «эшикдан эшиккача» элтиб қўйишни таъминлайди. Ушбу мақсадларда доимий йўловчи ташувчи рейс автобуслари ва туристик корхонанинг хусусий транспорти ҳамда сайёҳларнинг шахсий транспорти қўлланилади. Шунингдек, автомобилда трансфер хизматларини ташкил қилиш, ҳаракат жадвалини осон ўзгартириш ҳамда исталган жойда тўхтаб ўтиш каби қулайликлар ҳам туризм соҳасида ўз ўрнига эга.

Сайёҳлар темир йўл транспортидан ўрта масофаларга тез ва қулай шароитда етиб бориш мақсадида ундан кўпроқ фойдаланадилар. Темир йўл транспорти мамлакат ичида ҳамда мамлакатлараро саёҳатни ташкил қилишда ҳам анча қулай ва арзонлиги билан ажралиб туради. Ҳозир Европа мамлакатларида туризмни ташкил этишда транспортнинг ушбу тури анча афзал ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида транспорт инфратузилмаси тизимида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 10 январь [1] ҳамда “Автомобиль

транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 6 март ПҚ-3589 сон [2] қарорларининг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Шунингдек, 2011 йилнинг 8 октябридан бошлаб йўловчилар ва сайёҳлар учун махсус қулайликларга эга бўлган, жами 215 йўловчини ташиш имкониятига эга Испаниядан келтирилган “Талго” русумидаги юқори тезликда ҳаракатланадиган “Афросиёб” электропоездининг Тошкент – Самарқанд – Тошкент йўналишида доимий қатновининг йўлга қўйилганлиги, 2016 йил 1 сентябрдан бошлаб эса Тошкент – Бухоро – Тошкент йўналишида доимий қатновининг йўлга қўйилганлиги [11] ҳам маҳаллий фуқаролар ва хорижий сайёҳлар учун бирдек қулай имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Президентининг юқорида зикр этилган 2017 йил 10 январь қарорига кўра йўловчи ташиш тизимига замонавий ахборот коммуникацион технологияларни жорий этиш, аҳолига сифатли ва хавфсиз транспорт хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш, онлайн ГПС орқали масофадан бошқариш ва аҳолига ишонч телефонлари орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш, 2017-2021 йилларда йўловчи ташийдиган янги йўналишларни очиш, янги автобус ва микроавтобуслар сотиб олиш, автостанция, автовокзал ва бекатлар қуриш, реконструкция қилиш ва қайта таъмирлаш ишларини олиб бориш, 2018 йил 1 июлдан шаҳар марказларида йўловчиларни ташиш транспортида йўл кира учун нақдсиз тўловни босқичма-босқич амалга ошириш каби вазифалар белгиланди [3].

Маълумки, туризм соҳасини ташкил этувчи энг асосий инфратузилмалардан бири транспорт хизматлари ва йўл инфратузилмалари ҳисобланади. Шу мақсадда ушбу қарор асосида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

ҳудудларда қишлоқ ва туманларни боғловчи янги йўналишлар ташкил этиш; ҳудудларда янги автовокзал, автостансиялар ва бекатлар қуриш, реконструкция қилиш ва қайта таъмирлаш; йўловчи ташиш сифати ва хавфсизлигини ошириш; халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва халқаро

автобус йўналишларини очиш; автобуслар ва микроавтобусларни масофадан туриб кузатиш ва нақд пулсиз йўл чипталарини ташкил этиш учун керакли ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали харид қилишга рухсат этилди [4].

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, юртимизда ички ва халқаро туризмни ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, сайёҳларни ташишда транспорт воситалари асосий ва муҳим роль ўйнайди. Чунки транспорт тизими қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, сайёҳларнинг юқори даражада дам олишлари ва саёҳат қилишлари шунчалик қулай бўлади. Ҳозир мамлакатимизда ҳам туризм соҳасида замонавий транспорт воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Туристлик корхоналарида қулай ва ҳар томонлама жиҳозланган автодор ва микроавтодор хизматлари йўлга қўйилган. Саёҳатчиларнинг бир давлатдан иккинчи давлатга боришлари учун чартер рейслар очилган. Вилоятлардаги туристик корхоналарида ҳам хизмат кўрсатиш савиясини яхшилаш, сайёҳларнинг ушбу шаҳарларни зиёрат қилишларига кенг имкониятлар яратиш давр тақозосидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатда туризмни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган транспорт инфратузилмасидаги муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

- Ўзбекистонда “Rent-Car”, яъни автомобилларни ижарага бериш тизимини соддалаштириш;
- мамлакат бўйлаб барча вилоятларни боғлайдиган автомобиль йўллари бўйидаги “Мотель”лар сонини ошириш;
- асосий йўл трассаларида овқатланиш, чўмилиш, намоз ўқиш каби шароитларга эга бўлган ёқилғи қуйиш шаҳобчалари сонини кўпайтириш;
- йўл белгиларининг аниқ ва равион кўринишини таъминлаш;
- транспорт хизматларини такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилишида хусусий секторни жалб этиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳудудида жаҳон стандартларига тўлиқ мос келадиган транспорт ҳамда йўл инфратузилмаларини шакллантириш мамлакатимизда туризм соҳасининг янада ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январ ПҚ-2724-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3182142>
2. Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 март ПҚ-3589-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3579006>
3. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январ ПҚ-2724-сонли қарори // <https://president.uz/oz/lists/view/179>
4. Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 март ПҚ-3589-сонли қарори // <https://president.uz/oz/lists/view/1538>
5. Маматқулов Х.М., Абдухамидов С.А., Хамитов М.Х. Туризм инфратузилмаси: ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамИСИ, 2020. – 282 с.
6. Мирзаев М.А., Алиева М.Т. Туризм асослари: ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2011. – 288 б.
7. Тухлиев Н.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амриддинова Р.С. Туризм асослари: ўқув қўлланма – Самарқанд: СамИСИ, 2010. – 247 б.
8. Хошимов М.А. Туристларга транспорт хизмати кўрсатишни ташкил

қилиш: ўқув-услугий мажмуа. – Самарқанд: СамИСИ. 2011. – 186 с.

9. <https://www.statista.com/> // International inbound tourism by mode of transport in 2019

10. <https://sverdligid.ru> // Дунёдаги энг катта денгиз кемалари

11. <https://www.bbc.com> // Тошкентдан Бухорога тезюарар поезд қатнайди